

## МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА КҮРСАТКИЧЛАРИ

**Бобур Норматов Муйдинжонович**

*"PROMAX EDUCATION" нодавлат таълим муассасаси раҳбари*

**Аннотация:** Миллий иқтисодиётда яхлит иқтисодий тизимни қуришда меҳнат ресурсларини фаолиятини ташкил этишнинг мезонлари ва кўрсаткичларини аниқ ҳамда мақсадли белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан илмий тезисда меҳнат ресурсларини фаолиятини ташкил этишнинг мезонлари ва кўрсаткичларини қисқача ёритилди.

**Калит сўзлар:** меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол, иқтисодий нофаол, меҳнат бозори, мезонлар, кўрсаткичлар

Меҳнат ресурсларини фаолиятини ташкил этишнинг мезонлари ва кўрсаткичлари дейилганда меҳнат бозорига оид мезонлар кўрсаткичларнинг яхлит тизими тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар орқали яхлит мамлакат ёки минтақада меҳнат ресурсларининг фаолиятини ташкил этишнинг реал ҳолати таҳлил қилинади. Жаҳон банки мамлакат ва минтақаларнинг меҳнат ресурслари фаолиятини ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилишда қўйида берилган еттига индикатордан кенг фойдаланади:

- Мавжуд бўлган бўш иш ўринлари;
- Меҳнат бозорининг “қаттиқлик” даражаси;
- Бўш иш ўринларини тўлдиришнинг қийинлик даражаси;
- Расмий ишсизлик даражаси;
- Бандлик даражаси;
- Бўш иш ўринларини тўлдириш даражаси;
- Касбнинг аҳамиятлилик даражаси.

Фикримизча, Жаҳон банки ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари меҳнат бозорини таҳлил қилишда қўйидаги икки гипотезага таянади:

- Бандликнинг паст даражаси эканлиги;
- Кадрлар етишмовчилиги.

Назарий жиҳатдан меҳнат ресурсларини фаолиятини ташкил этишнинг мезонлари ва кўрсаткичлари тизими қўйидагиларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади:

- Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатлар (малакали кадрлар етишмаслиги ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқарилиши)

Мехнат ресурсларининг сифат хусусиятлари (Бўш иш ўринларининг паст сифати ва малакаси паст бўлган ишчи кучи)

XX асрнинг 70-йилларида АҚШда иқтисодиётда «мехнат ресурслари» атамаси ўрнига «инсон ресурслари» («human resources») қўлланила бошланди. Ушбу ўзгариш фан-техника инқилоби даврида инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни кайта кўриб чиқилиши натижасида юз берди.

XVIII-XIX асрларда ишлаб чиқаришнинг илк механизациялаштирилиши даврида меҳнат бозорида меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида кўникмаларга эга бўлган ишчи кучи асосий роль ўйнаган. Яъни ишлаб чиқариш учун маҳсус тайёргарликни ва катта жисмоний кучни талаб этмайдиган, аксарият одамлар осонгина эгаллай оладиган кўникмаларга эга бўлган ишчи кучи керак эди. Ўзининг инновацион ривожланиш босқичига қадам қўйган замонавий иқтисодиётда меҳнат бозорида тақдим этилган ресурслар катта ахамият касб этмоқда. Бирорта ишлаб чиқаришни инсонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бевосита меҳнатни ташкил этишнинг шакли янги ижтимоий-иктисодий тизимнинг шаклланиши ва ривожланишини ифода этади. Шунинг учун ҳам ижодий шижаатга эга бўлган ҳодимларгина инновацион иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлай олади. Меҳнат бозорида бугунги кунда тақдим этилаётган инсон ресурслари ҳам янги иқтисодиётни шакллантиришга даъват этилган. Инсон ресурслари ўзида инсон капиталига талаб ва унинг таклифи ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларга эгалиги сабабли иқтисодий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Инсон ресурсларининг таркиби ҳодимларнинг касби, малакаси, шунингдек, омилкорлиги билан ажралиб туради.

Бунда:

- касб (ижтисослик) - бу маҳсус тайёргарлик жараёнида эгалланган, муайян фаолият турини бажариш имконини берадиган билим ва кўникмалар жамланмаси; малака - бу ҳодимга меҳнат фаолиятининг муайян даражасидаги иш (хизмат)ларни бажариш имконини берадиган билим ва тажрибанинг хажми;

- омилкорлик - бу ҳодим томонидан эгалланган касбий кўникмалар даражаси. Инсон ресурслари тадбиркорлик қобилиятни ҳам қамраб олади. Тадбиркорлик қобилияти - бу инсон фаолияти бўлиб, факат билим, малака ва омилкорликнигина эмас, шунингдек, бизнес юритиш истеъоди, иқтисодий сезгирилик ва омадни ҳам камраб олади.

Инсон ресурслари салоҳиятининг асосий сифат кўрсаткичи - ҳодимнинг меҳнат бозоридаги ракобатбардошлигидир. Мазкур сифат кўрсаткичларига ўзгараётган ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар, ишлаб чиқаришда рўй-

бераётган инновацион жараёнлар таъсир кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар жамланмасини уларнинг ишлаб чиқариш, институционал ва ахборот таркибий қисмлари бирлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин. Замонавий меҳнат бозорида рақобат муттасил кучайиб бораётганлиги барчага маълум. Буни, жумладан, иқтисодий жиҳатдан тарақкий этган давлатлардаги ищизлик даражаси хам яққол исботлаб турибди. Инновацияларга асосланган компаниялар бозорда рақобатбардошликни сақлаб туриш учун меҳнат бозоридаги рақобатбардош инсон ресурсларига эга бўлишга интиладилар. Чунки ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришнинг техникавий имкониятлари асосан чегараланиб қолган.

Инсон ресурсларининг афзалликлари қуидагилар билан белгиланади:

- инсон ресурсларининг тайёргарлик даражаси (таълим ва малакасининг даражаси, кенг ва тор ихтисослик);
- ижодий қобилият;
- шахсий салоҳиятни оширишга интилиш;
- меҳнат фаоллиги;
- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи;
- энг самарали капитал киритишнинг обьекти.

Инсон ресурсларининг ишлаб чиқариш ресурсларининг бошка турларидан (моддий, молиявий, ахборот ва х,оказолар) фарқи қуидагилардан иборат:

1. Инсон интеллектга эга, демак, унинг ташки таъсир (бошкарув)га муносабати меҳаник тарзда эмас, балки онглидир. Бу эса бопщарув субъект ва обьектларининг ҳдмжиҳдлиги икки томонлама эканлигини англаатади.

2. Инсон ресурслари интеллектга эга булганлиги сабабли, одамлар муттасил равишда ривожланиш ва такомиллашишга кодирлар. Бу эса ҳдр кандай алоҳдда корхона ёки бутун жамият самарадорлигини оширишнинг энг муҳдм ва узок муддатли манбаи ҳдсобланади.

3. Инсон уз олдига онгли равишда муайян максадларни куйгани хдида, фаолиятнинг аник бир турини танлайди.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларини фаолиятини кўрсаткичлари сифатида қуидагилар тақдим этилади:<sup>44</sup>

- Ишчи кучи иштироки даражаси;
- Аҳолининг бандлик даражаси;
- Ёлланиб ишловчилар миқдори ва улуши;
- Ўзини-ўзи банд қилганлар миқдори ва улуши;
- Саноатда бандлар;

<sup>44</sup> <https://data.egov.uz/uzbKr/data/61c5b8d1ae25c8ecefcc77852?page=1>

- Хизмат күрсатишда бандлар;
- Кишлөк хұжалигыда бандлар;
- Норасмий иқтисодиётта бандлар;
- Ишсизлик даражаси;
- Узоқ муддатли ишсизлик даражаси;
- Иқтисодий нофаол ахоли сони улуши;

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:**

1. Экономика И Менеджмент Удк 331 А.И. Колобова, А.М. Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала
2. А.И.Колобова, А.М.Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. “Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г. Струмилина для характеристики национального богатства страны - трудового потенциала
3. Толаметова З.А. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. “Фан ва технология” 2017.